

ОЛИЙ ТАЪЛИМДАН КЕЙИНГИ ТАЪЛИМ ШАКЛЛАРИДАН БИРИ — ДОКТОРАНТУРАГА ҲУЖЖАТ ТОПШИРМОҚЧИ БЎЛГАН ТАЛАБГОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Сиз таълимни докторантурада давом эттирмоқчимисиз?

Унда имкониятни қўлдан бой берманг!

2023 ўқув йили учун қабул бошланди!

Ҳужжатлар 15 сентябрдан — 15 октябрга қадар қабул қилинади.

I БОСҚИЧ

СИЗ ТАЪЛИМ ОЛМОҚЧИ БЎЛГАН ДОКТОРАНТУРА ШАКЛИНИ ТАНЛАНГ! УЛАР ҚУЙИДАГИЛАР:

Таянч докторантура — фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD)) илмий даражасига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли (қабул йилда бир марта);

Докторантура — фан доктори (Doctor of Science (DSc)) илмий даражасига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли (қабул йилда бир марта);

Мустақил изланувчилик — фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD)) ёки фан доктори (Doctor of Science (DSc)) илмий даражаларига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли (қабул йилда тўрт марта).

II БОСҚИЧ

ЎЖЖАТЛАРНИ ТОПШИРИШ ЖАРАЁНИ

Ягона электрон тизим (**phd.mininnovation.uz**) орқали онлайн хужжатлар жорий йилнинг 15 сентябрдан 15 октябрга қадар Ягона электрон тизими орқали қабул қилинади.

ДОКТОРАНТУРАДА ЎҚИШГА ТАЛАБГОРЛАР ҚУЙИДАГИ ЎЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАДИЛАР:

– Ариза;

Ўзбекистон Журналистика
ва оммавий коммуникациялар
университети ректори
Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖАга
Ўзбекистон
Журналистика
ва оммавий коммуникациялар
университети стажёр тадқиқотчиси Вазира
Ибрагимовадан

А Р И З А

Сиздан Филология фанлари 10.00.09 - «Журналистика» ихтисослиги бўйича (PhD) илмий даражасини олиш учун Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг 2022 йил учун таянч докторантура босқичига қабул қилишингизни сўрайман. Зарур маълумот ва хужжатлар <https://mininnovation.uz/uz/doctorate> базасига юкланишини таъминлайман.

15.10.2021.

В.Ибрагимова

– Қисқача биографик маълумотнома;

– Меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);

- Олий таълим муассасаси магистратураси дипломи, олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
- Нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек уларнинг нусхалари (диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган камида битта мақола ҳамда тегишли йўналишлар бўйича иккитадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламларига киритилган маъруза тезисларига эга бўлиш талаб этилади);
- Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси соҳиблари тегишли хужжат нусхаси;
- IELTS (ўртача балли камида 5.5), TOEFL (PBT) (567 баллдан кам бўлмаган), TOEFL (IBT) (87 баллдан кам бўлмаган), SEFR (B2 даражадан паст бўлмаган) бўйича тасдиқловчи амалдаги халқаро малака сертификатларини тақдим этадилар.

ДИҚҚАТ! Ушбу хужжатларнинг барчаси ПДФ шаклда **phd.mininnovation.uz** электрон манзилга жойлаштирилади ҳамда чоп этилган ҳолатда йиғма жилдга жойлаштирилиб университети **ИЛМИЙ БЎЛИМ**ига ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ.

Эслатма: Диссертация мавзусини танлашда керакли кафедрага мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ. Талабгор илмий бўлимга хужжат топширгача қадар илмий раҳбарни аниқлаштириб олиши (Ф.И.Ш.), илмий иш мавзусини илмий раҳбари билан биргаликда аниқлаштириб олган бўлиши (Мисол учун, “Мавзу: Ўзбекистонда ОАВнинг ахборот манбалари билан ишлашнинг ҳуқуқий механизмлари”), унинг асосномасини ишлаб чиққан бўлиши лозим. Асоснома илова қилинади (унинг бандлари илмий раҳбар билан келишилган ҳолда тўлдирилади).

Асосномада қуйидаги бандлар илмий раҳбар бошчилигида шакллантирилади:

АСОСНОМА

1. Диссертация мавзусининг долзарблиги:
2. Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги:
3. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси:
4. Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги:
5. Тадқиқотнинг мақсади:
6. Тадқиқотнинг вазифалари:
7. Тадқиқотнинг объекти:
8. Тадқиқот предмети:
9. Тадқиқотнинг усуллари:
10. Тадқиқотнинг илмий янгилиги:
11. Тадқиқотнинг амалий натижалари:
12. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги:
13. Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:
14. Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:

Илмий раҳбар розилик хатини қўидагича шакллантириш мумкин:

Ибрагимова Вазира Хусан қизининг
илмий ишига Ҳ.О.Саидовнинг
илмий раҳбар бўлишга билдирган

РОЗИЛИК ХАТИ

Мен Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникация университети доценти, ф.ф.н Ҳ.О.Саидов Ибрагимова Вазира Хусан қизининг 10.00.09 – Журналистика бўйича “Замонавий медиа маконида бадий публицистик жанрлар интеграцияси ва уларнинг спецификаси” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун бажариладиган ишига илмий раҳбар бўлишга розилигимни билдираман.

Ўзбекистон журналистика ва оммавий
коммуникация университети
доценти, ф.ф.н

Ҳ.О.Саидов

III БОСҚИЧ

ИМТИҲОН-СИНОВ ЖАРАЁНИ

Талабгорлар университет ИЛМИЙ БЎЛИМИ орқали имтиҳон ҳақидаги саволларга жавоб олишлари мумкин.

Кириш имтиҳонлари мутахассислик фанидан **ЁЗМА** ва **СУҲБАТ** асосида бўлиб ўтади. **Саволлар қуйидагича бўлиши мумкин:**

2-вариант

1. “Академик ҳаракатчанлик” дастурининг моҳияти нимадан иборат? (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланиб келаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида, 19 апрел, 2021 йил).
2. “Медианинг демассификацияси” деганда нимани тушунасиз?
3. Мультимедиа жанрлари деганда нима тушунилади? Уларга тавсиф беринг.
4. Илмий фактлар ва уларнинг илмий тадқиқотдаги ўрни.
5. Сиз танлаган илмий-тадқиқот мавзуси ва унинг мақсад, вазифалари, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти нимадан иборат?

Изоҳ: *Биринчи 4 та саволга ёзма жавоб алоҳида муҳирланган қозғаларга ёзилади ва максималл 80 балл билан баҳоланади. 5- саволга (Сиз танлаган илмий-тадқиқот мавзуси ва унинг мақсад, вазифалари, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти нимадан иборат?) оғзаки жавоб берилади, максималл 20 балл билан баҳоланади* (комиссия аъзолари ректор буйруғи асосида шаклланади).

ЭСЛАТМА! Имтиҳон кунлари ва жавоблари бўлим томонидан талабгорларга етказилади.